

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5230100 – 3.16

2016 йил 9.01



**ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН  
ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 200000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук

**Таълим соҳаси:** 230000 - Иқтисод

**Таълим йўналиши:** 5230100 - Иқтисодиёт (иктисодиёт назарияси)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил “22” 01 даги “26”-сонли буйрутининг 8-иловаси билан  
фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари  
бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи  
Кенгашнинг 2016 йил “9” 01 даги “1” – сонли баённомаси билан  
маъкулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди

#### Тузувчилар:

- Т.С.Расулов – ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири,  
иктисод фанлари доктори, профессор.
- Х.Л.Абулкосимов – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори
- Қ.Қ.Мамбетжанов – ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта  
ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди.

#### Тақризчилар:

- Д.С.Жуманов – Тошкент молия институти “Иқтисодиёт назарияси”  
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.
- П.З. Хошимов – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.
- М.Т.Яхшиева – ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти,  
иктисод фанлари номзоди.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб  
чикилган ва тавсия килинган (2015 йил “30” 11 даги “4” -  
сонли баённома).

## **КИРИШ**

Бозор иктисодиёти ўзининг объектив қонунлари ҳамда ўзини-ўзи тартиблаш дастаклари, воситалари орқали амал килади. Аммо бозор иктисодиётининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Уларнинг энг асосийси иктисодиётдаги объектив қонунлар ва муносабатлар, регуляторлар асосида шаклланадиган бозор мувозанати ҳамда мутаносибликларнинг бузилиши оқибатида вужудга келадиган номутаносибликларнинг кучайиши, иктисодий танглик ва инқирозлардир. Инқирозлар натижасида иктисодий пасайиш, ишсизлик, инфляциянинг кучайиши, халқ турмуш дарражасининг ёмонлашуви содир бўлади. Шу боисдан ҳам давлатнинг иктисодиётга аралашуви ва уни устувор равишда иктисодий дастак ва воситалар ёрдамида тартиблаши зарур бўлади. Бу эса замонавий бозор иктисодиётининг ўзини ўзи тартиблашнинг бозор механизми билан уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини уйғуллаштиришни ҳамда унга мос равишида давлат иктисодий сиёсатини шакллантиришни тақозо этади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлатнинг иктисодий сиёсати мамлакатимизда ривожланадиган бозор иктисодиётини тартиблаш механизмини янада тақомиллаштириш ва бозорнинг ўзини-ўзи тартиблашнинг объектив механизми билан уйғуллаштириш мухим ахамият касб этади. “Иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуслари” фанини ўқитиш асосида талабаларда иктисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмининг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва усул, воситалари, давлатнинг иктисодий сиёсати тўғрисидаги тизимли, кенг камровли назарий билим ва амалий кўникмаларини хосил килинади.

## **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитищдан мақсад - талабаларда иктисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмининг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва усул, воситалари, давлатнинг иктисодий сиёсати тўғрисидаги тизимли, кенг камровли назарий билим ва амалий кўникмаларини хосил килишдан иборат.

Фаннинг вазифалари - иктисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми билан биргаликда давлат механизмининг амал килиш соҳаларини ва шаклларини кўрсатиш; иктисодиётни бошқариш ва тартибга солища давлат иктисодий сиёсатининг ўрни хақидаги турли концепцияларни таҳлил этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш; Ўзбекистонда иктисодиётни тартибга солиш механизмининг шаклланиши ва ривожланиши, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши; давлат иктисодий сиёсатининг мақсадлари, вазифалари ва уларни амалга оширишнинг йўналишлари, усул ва воситаларини ҳамда иктисодиётни тартибга солишнинг шакл ва воситаларини таҳлил килиш; иктисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизmlари уйғулигини таъминлаш йўналишларини ўргатишдан иборат.

## **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўнишка ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

– “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” ўкув фанининг предмети;

– асосий категорияларини ва тадқикот усуллари;

– бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиши механизмининг камчиликлари, салбий оқибатларга, яъни инкиrozларга олиб келиши мумкинлиги, бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги;

– давлатнинг иқтисодий вазифалари;

– давлат иқтисодий сиёсати ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари, бу борадаги турли назарий концепциялар, давлат иқтисодий сиёсатининг ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари, усуллари ва воситалари *ҳақида масаввурга эга бўлиши;*

– давлатнинг иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш ва уни модернизация килишга қаратилган таркибий-инвестицион сиёсатини;

– давлатнинг аграр, антимонопол, минтақавий, иқтисодиётда хусусий тармок ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ҳамда экология соҳаларидаги сиёсатларининг мақсад ва вазифаларини;

– юқоридагиларни амалга ошириш усулларини ва воситаларини таҳлил қила *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– давлат иқтисодий сиёсатида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бюджет-солик, пул-кредит воситаларини қўллаш;

– ижтимоий соҳани бошвариши, ижтимоий жараёнларни тартибга солиш усулларини таҳлил қилиш;

– давлатнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш индикаторларини таҳлил қилиш;

– жаҳон молиявий- иқтисодий инкирози давом этаётган шароитда қўлгина ривожланган мамлакатларда юз бераётган жараёнларга баҳо бериш;

– Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш асосида барқарор, мутаносиб ўсишли таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий асосланган хulosса ва таклифларни ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш *қўнишкаларига эга бўлиши керак;*

– Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ходиса ва жараёнларни таҳлил қилиш ва уни тартибга солишига оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

## **Фанининг ўкув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатдан узвийлиги**

“Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” фани умумкасбий фан хисобланиб, 4-5-семестрларда ўқитилади.

Мазкур фанни муваффакиятли ўзлаштириш учун талабалар ўкув режасида кўзда тутилган гумманитар ва ижтимоий (иктисодий назария), математик ва табиий - илмий (олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, иктиносидий география ва экология, ахборотлар технологиялари ва тизимлари), умумкасбий (макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, иктиносидий таълимотлар тарихи, молия ва солислар, банк иши, статистика, жаҳон иктиносидиёти ва ҳалқаро иктиносидий муносабатлар) фанларидан ва маҳсус ўкув курсларидан етарлича билим ва қўнималарга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ўзбекистонда иктиносидиётни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш асосида макроиктисодий мувозанатни ва мутаносибликни, юкори, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, фаол ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инфляция ва ишсизлик даражаларини мақбул даражада ушлаб туриш, аҳолининг иш билан бандлигини ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатимиз иктиносидий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини, иктиносидий - молиявий инкирозларга бардошлигини таъминлаш, жаҳон иктиносидиётига интеграцилашиш каби вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш давлат иктиносидий сиёсати мақсад ва вазифалари ҳамда бозор иктиносидиётини давлат томонидан тартибга солиш усувлари ва воситаларининг қай даражада илмий асосланганлиги ҳамда реал вокеликни хисобга олиб қўлланилаётганлигига боғлиқ. Шунинг учун “Иктиносидиётни давлат томонидан тартибга солиш усувлари” фани давлат томонидан макроиктисодий ва микроиктисодий сиёсатларини амалга ошириш, иктиносидиётни тартибга солиш, унинг бозор ва давлат механизмлари амал қилишининг узвийлигини таъминлаш учун илмий-назарий асос бўлиб хисобланади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Иктиносидиётни давлат томонидан тартибга солиш усувлари” фанини ўзлаштиришлари учун илгор ва замонавий усувлардан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбик килиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар, ўкув-услубий мажмуя, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машгулотлар давомида “инсерт”, “блиш-сўров”, “кластер”, “аклий хужум” каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади. Шунингдек машгулотлар давомида “зиг-заг”, “гурух бўлиб ишлаш”, “инсерт”, “кооп-кооп” ва бошқа шу каби педагогик технологиялардан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **1-Модул. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг функциялари ва иқтисодий сиёсатининг мақсадлари.**

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизми, унинг фаолият соҳаси. Фаолият соҳасининг чегаралари. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати. Фақат бозор ёки бозор механизми орқали тартибга солиб бўлмайдиган ижтимоий ва такрор ишлаб чиқариш жараёнлари. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришдан кўзланган асосий мақсадлар. Иқтисодий сиёсат тушунчасининг мазмуни. Иқтисодий сиёсат элементлари ва тамоиллари. Жамият ва давлат манфаатларининг устуворлиги. Иқтисодиёт субъектларининг хокимият органлари билан ўзаро муносабатлари. Иқтисодий ресурс ва даромадларнинг айланишини оқилона бошқариш. Иқтисодий сиёсат технологиялари. Иқтисодий соҳани бошқариш ва тартибга солишнинг маъмурӣ ва иқтисодий усуллари ва воситалари. Иқтисодий сиёсат мақсадлари. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш. Сиёсий ва иқтисодий стратегия. Давлат иқтисодий стратегияси турларининг классификацияси. Иқтисодий сиёсат турларининг классификацияси.

### **2-Модул. Давлат иқтисодий сиёсати ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари**

Меркантилизм мактаби намоёндалари ва физиократ мактаби асосчиси Франсуа Кэненинг иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли ҳакидаги назарий қарашлари. Иқтисодий ривожланишида давлатнинг ўрни ҳакида Англия классик сиёсий иқтисод намоёндалари концепцияси. Иқтисодий либерализм, иқтисодий ривожланишида давлатнинг роли муаммолари ва унинг мазмуни. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози сабоклари ва инқирозга учрага ниқтисодий либерализм назариясида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бозор механизми ўрни ҳакида. Давлатнинг иқтисодий роли ва сиёсати ҳакидаги қарашлар борасида Кейнс инқилоби. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш усуллари ва шакллари бўйича Кейнс концепциясининг асосий мазмуни. Замонавий назарияда икки мукобил мактабларнинг аралашishi: янги консерватор ва янги кейнсчилик. Монетар назария ва сиёсатнинг иқтисодиётни тартиблаш воситалари. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг келиб чикиш сабаблари ва хусусиятлари.

### **3-Модул. Иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг шаклланиши**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар мақсади ва стратегияси. Давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вазифалари. Собик тоталитар тузумнинг иқтисодиётни бошқариш

органлари ва уларнинг марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбоззлик бошқариш усулларининг салбий оқибатлари. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида институционал( маъмурий) ислоҳотларининг зарурлиги ва максади. Институционал(маъмурий) ислоҳотларниг асосий йўналишлари. Институционал(маъмурий) ислоҳотлар ва иқтисодиётни бошқариш тизимининг тубдан ўзгартирилиши жараёнлари. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг янги тизимининг яратилиши. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган янги стратегияси ва сиёсатининг максади, вазифалари ва асосий йўналишлари. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози давом этабтган шароитда Ўзбекистонда давлат иқтисодий сиёсатининг иқтисодиётни тартибга солиш механизми фаолиятининг ижобий натижалари.

#### **4-модул. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш-иктисодиётни тартибга солиш воситаси**

Давлат мулки ва тадбиркорлиги. Иқтисодий сиёсатда давлат мулкининг ўрни ва аҳамияти масаласи. Давлат мулкининг бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти. Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда таъсири. Давлат тадбиркорлиги ва унинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти. Давлат томонидан хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш механизми. Давлатнинг мулкчилик муносабатларини тартибга солиш сиёсати. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг максади ва босқичлари. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичининг ўзига ҳос хусусиятлари. Давлат мулкини бошқариш. Давлат мулкининг хусусий сектор ривожланишини кўллаб-куватлашдаги аҳамияти. Давлат ҳариди ва унинг ички бозорни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишидан аҳамияти. Хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг давлат томонидан ҳимоя килиниши ва кафолатланиши. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари

#### **5-модул. Ижтимоий-иктисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш**

Ижтимоий-иктисодий ривожланишни дастурлаш ва прогнозлаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти. Прогнозлаштиришнинг иқтисодий сиёсатда тутган ўрни. Прогнозлар классификацияси: фаол ва пассив, макроиктисодий ва микроиктисодий, узок ва ўрта муддатли прогнозлар. Илмий прогнозлаштиришнинг принциплари ва прогнозларни ишлаб чиқиши босқичлари, усуллари. Дастурлаш ва режалаштириш давлатнинг иқтисодий бошқаруви функциялари сифатида. Дастурли-максадли режалаштириш назариясининг асослари. Максадли дастурлар классификацияси ва уларни ишлаб чиқиши принциплари ва босқичлари. Директив режа. Индикатив режалаштириш. Иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаштириш, режалаштириш

воситалари ёрдамида давлат томонидан тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти. Ривожланган мамлакатларниң прогнозлаштириш, дастурлаш ва режалаштириш борасидаги тажрибалари. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланиши прогнозлаштириш ва дастурлаш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари. Энг муҳим тармок, соҳаларни ривожлантириш дастурлари.

#### **6-модул. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш**

Рақобатнинг категориясининг моҳияти ва шакллари. Рақобатлашиш усуслари. Рақобатнинг вазифалари ва унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти. Рақобатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли. Монополия ва унинг вужудга келиш сабаблари. Иқтисодий монополизм ва унинг салбий оқибатлари. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, усуслари. Ривожланган мамлакатларда антимонопол сиёсатни амалга оширилиши тажрибалари. Ўзбекистонда давлатнинг рақобат сиёсати. Давлат томонидан рақобатни кўллаб кувватлаш ва рафбатлантириш мақсадлари ҳамда йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва унинг монополистик фаолиятни тартибга солиш ҳамда рақобатни ривожлантириш, химоя қилишдаги аҳамияти. Рақобатни янада ривожлантириш ва химоя қилишни кучайтириш йўллари.

#### **7-модул. Бозор иқтисодиётида нархнинг регуляторлик вазифаси ва давлатнинг нарх ҳамда инфляцияга қарши сиёсатлари**

Нарх ва қийматнинг замонавий назарияси - меҳнатнинг қиймати ва қийматни кайта тақсимлаш назариясининг синтези сифатида. Мехнатнинг қиймати назарияси ва қайта тақсимланган қиймат назарияларининг замонавий назариядан фарки. Собиқ Совет иттифоки ва унинг республикаларидағи марказлашган-режали иқтисодиётда нарх белгилашнинг бозор иқтисодиётидаги нарх белгилашдан фарки. Давлатнинг ижтимоий сиёсатида нарх белгилашнинг ўрни. Бозор иқтисодиётида нарх кўринишлари. Нарх ва унинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари. Нархнинг регуляторлик вазифаси ва унинг бозор иқтисодиётини тартиблашдаги аҳамияти. Давлатнинг нарх сиёсатининг мақсад ва вазифалари. Давлат нарх сиёсатини амалга оширишнинг асосий усуслари вавоситалари. Евropa Иттифоки мамлакатлари, Япония, МДХ мамлакатлари ва АҚШ да кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархини бошқариш хусусиятлари. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсатининг мақсади, усувлари. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шаротида инфляцион жараёнларнинг хусусиятлари ва уни олдини олиш чоралари.

## **8-модул. Иктисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг бюджет-солик сиёсати воситалари**

Давлат бюджети – давлат молия фондининг асоси ва иктисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг мухим шакли сифатида. Бозор иктисодиёти мамлакатларида давлат бюджети ва ЯИМ мутаносиблиги давлат иктисодий салоҳиятини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида. Давлатнинг бюджет сиёсати. Ахолининг ижтимоий қатлами, мамлакат худудлари, иктисодиёт тармоқлари ўргасида давлат бюджети ресурсларининг тақсимланиши иктисодиётни давлат бошқаруви кўрсаткичи сифатида. Ўзбекистон давлат бюджети ва унинг шаклланиши ва тақсимланишининг хусусиятлари. Солик ва унинг вазифалари. Солик ва иктисодий ўсиш. Давлатнинг фискал сиёсати. Солик имтиёзлари алоҳида ишлаб чиқариш турларини рағбатлантириш воситаси сифатида. Солик имтиёзларининг асосий кўринишлари: солик кредити, тезлаштирилган амортизация, товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилувчи имтиёзлар, баъзи ишлаб чиқариш кўринишларини соликлардан озод қилиш. Ўзбекистонда солик тизимини янада такомиллаштириш ва унинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтириш йўллари.

## **9-модул. Иктисодиётни тартибга солишда давлатнинг пул-кредит сиёсати воситалари**

Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи. Давлатнинг пул муомаласини тартибга солиши. Пул эмиссияси ва уни назорат қилиш. Кредит ва банк тизимининг бозор иктисодиётидаги вазифалари. Давлатнинг монетар сиёсати ва унинг иктисодиётни тартибга солишдаги аҳамияти. Пул-кредит сиёсати воситаларининг иктисодиётни тартибга солишдаги роли. Ўзбекистоннинг кредит тизими. Ўзбекистоннинг банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. Иктисодиётни, бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ва молиявий кўллаб-куватлаш. Ривожланган мамлакатларда иктисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартиблаш муаммолари. Жаҳон молиявий – инкиrozининг юз бериш сабаблари. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozининг салбий оқибатларини юмшатишда банк тизимининг роли. Пул-кредит тизимини тартибга солишини янада такомиллаштириш йўналишлари.

## **10-модул. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва давлатнинг ижтимоий сиёсати**

Жамият ижтимоий соҳаси, унинг таркиби ва жамият ривожланишидаги роли. Ижтимоий сиёсат тушунчасининг мазмuni. Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти ва ижтимоий сиёсат тушунчаларининг ўзаро боғликлиги. “Ижтимоий давлат” тушунчасининг мазмuni. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари. Ахоли турмуш даражасини ошириш самарали ижтимоий сиёсатнинг мақсади эканлиги. Ижтимоий соҳада давлат

бошқарувининг шакллари ва улуши. Ўзбекистонда давлатнинг бандлик сиёсати ва ахолини иш билан таъминлаш ўйлари. Даромадлар сиёсати ва ахоли турмуш даражасини ўстириш. Кам таъминланган ахолини ижтимоий химоялаш. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат механизмининг ва кам таъминланган ахолини ижтимоий химоялаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Давлатнинг таълим, соғлики сақлаш, маданият ва спорт соҳалари даги сиёсатининг мақсадлари ва уларни амалга оширишнинг йўналишлари. Жаҳон молиявий-иктисодий инкироzi шароитида Ўзбекистонда ахолини ижтимоий қуллаб-куватлаш ва турмуш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари.

### **11-модул. Давлатнинг иктиносидий хавфсизликни таъминлаш вазифалари**

Иктиносидий хавфсизликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти. Иктиносидий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари. Мамлакат иктиносидий хавфсизлиги кўрсаткичлари индикаторлари. Давлат томонидан иктиносидий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари вазифалари. Иктиносидий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистонда ички ижтимоий-иктиносидий хавфсизликни таъминлашда эришилган натижалар истиқбол йўналишлар. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иктиносидий инкироz шароитида ташки иктиносидий хавфсизликни таъминлаш масалалари. Ўзбекистоннинг халқаро иктиносидий ва молиявий ташкилотлар, уюшмалар фаолиятида иштироки билан боғлиқ иктиносидий хавфсизликни таъминлаш ўйлари. Мамлакатнинг иктиносидий рақобатбардошлиги ва иктиносидий хавфсизлигини таъминлашнинг узвий боғлиқлиги.

### **12-модул. Бозор иктиносидётida давлатнинг макроиктиносидий мувозанатни таъминлаш ва инкироzга қарши сиёсати**

Макроиктиносидий мувозанат ва унинг бозор иктиносидётida намоён бўлиш шакллари. Давлатнинг макроиктиносидий баркарорлаштириш сиёсати. Иктиносидий цикл ва инкироzларнинг келиб чиқиш сабаблари. Иктиносидий инкироzларнинг турлари. Глобал молиявий-иктиносидий инкироzinинг келиб чиқиш сабаблари. Жаҳон молиявий инкироzi шароитида Ўзбекистонда макроиктиносидий баркарорликни таъминлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация килиш, инкироzга қарши чоралар дастурининг бажарилиши ҳамда макроиктиносидий мувозанатни таъминланиши. Ҳозирги даврда глобал молиявий-иктиносидий инкироzнинг ҳамон давом этиши сабаблари ва унинг ривожланган мамлакатлар иктиносидётига салбий таъсир этиши тенденциялари. Ўзбекистоннинг инкироzга қарши чоралар дастурининг мақсади, йўналишлари ва амалга оширилиши. Глобал молиявий-иктиносидий инкироzi давом этиши шароитида Ўзбекистон иктиносидётини баркарор ва мутаносиб ривожлантириш истиқбол йўналишлари.

## **13-модул. Давлатнинг таркибий-инвестициявий сиёсати**

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши. Иқтисодиёт таркибий тузилишидаги силжиш ва ўзгаришлар, уларни белгилаб берувчи омиллар. Давлат таркибий сиёсатининг мазмуни, зарурлиги ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти. Таркибий сиёсатининг мақсади, принциплари ва йўналишлари. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришнинг зарурлиги. Ўзбекистонда давлатнинг таркибий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Чуқур таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилишни амалга оширишнинг асосий босқичлари ва йўналишлари.

Инвестициялар ва инвестицион фаолият. Инвестиция сиёсатининг мазмуни ва унинг давлат иқтисодий сиёсатидаги ўрни. Инвестициясоҳасидаги давлатнинг узок муддатли стратегияси ва унинг устувор жиҳатлари. Ўзбекистонда давлат инвестицион сиёсатининг мақсадлари ва асосий йўналишлари. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни рагбатлантириш. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан кўллаб-куватлаш механизмини такомиллаштириш масалалари. Аҳоли жамғармаларини ва корхоналарнинг ўз маблагларини инвестиция жараёнларига жалб этишни рагбатлантириш йўллари.

## **14-модул. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб – куватлаш**

Давлат аграр сиёсатининг моҳияти ва мақсади. Кишлоқ хўжалиги соҳасига давлат аралашуvinинг зарурлиги ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш зарурати. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат буюртмаси. Фермерликни ривожлантиришда давлатнинг роли. Кишлоқ хўжалиги ривожланишини давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари. Аграр соҳадаги мулкий, молия, нарх соҳаларидаги ҳамда ер ва сув ислоҳотлари. Бозор иқтисодиётига хос аграр-иктисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Аграр соҳада хўжалик юритиш шакллари. Ўзбекистонда фермер ва дехкон хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан кўллаб-куватлаш йўналишлари. Агросаноат мажмуаси ва уни ривожлантириш йўналишлари.

## **15-модул. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иктисодий аҳамияти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлашда давлатнинг иқтисодий сиёсати. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари. Давлатнинг хусусий тармок ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг усул ва воситалари. Давлат томонидан ишбилармонлик-бизнес учун амалий қулай шароит ва мухитнинг

түғдириб берилиши. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш ва кўллаб-кувватлаш тизими. Тадбиркорлик субъектлари хукукларининг устуворлиги ҳакидаги принципнинг жорий этилиши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш учун берилган имтиёз ва преференциялар. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва уларни химоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифалари. Ўзбекистон иктисадиётгода хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари. Хусусий мулк ва секторнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни кўллаб-кувватлаш ва дахлиизлигини кафолатлашнинг истиқбол йўналишлари.

#### **16-модул. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва худудлар ривожланишининг истиқболлари**

Минтақавий иктисадиёт. Давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари ва мақсадлари. Иктисадий худудларни комплекс ривожлантириш. Худудларнинг ижтимоий-иктисадий ривожланиш даражаларидағи фарклар ва уларни тенглаштириш муаммолари. Худудлараро меҳнат тақсимотини оқилоналаштириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Худудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишининг маъмурӣ ва иктисадий усуллари ҳамда воситалари. Давлатнинг худудларни ижтимоий-иктисадий ривожлантириш дастурлари. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари. Худудларни ижтимоий-иктисадий ривожлантириш давлат дастурлари ва уларни амалга ошириш йўллари. Худудларнинг ривожланиш даражаларини бир-бирларига якинлаштириш чора-тадбирлари. Давлатнинг минтақавий сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.

#### **17-модул. Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиши ва экология соҳасидаги сиёсати**

Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни саклаш. Давлатнинг экологик сиёсатининг шаклланиши. Давлатнинг табиатдан фойдаланиш вазифалари. Атроф-муҳит мониторинги. Экологик меъёрлаштириш. Экологик стандартлар. Давлатнинг экологик экспертизаси. Экологик лицензиялаштириш. Экологик назорат. Экологияни давлат томонидан химоя қилишнинг иктисадий механизми. Табиий ресурслар ва объектларнинг кадастри. Экологик молиялаштириш. Экологик сугурталаш фонdlари. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни химоя қилиш жараёнларини бошқариш бўйича давлат органларининг вазифалари. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни химоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Конуни ва унинг аҳамияти. Давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари.

## **18-модул. Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши**

Ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ва уларни тартибга солиш принциплари. Илмий асосга эга бўлган ташки иқтисодий стратегия ва сиёсат. Давлатнинг ташки иқтисодий сиёсати ва унинг таркибий қисмлари. Давлатнинг ташки савдо сиёсати. Экспорт сиёсати. Импорт сиёсати. Ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш механизми. Давлатнинг божхона сиёсати ва унинг мақсади, усуслари. Божхона иши. Бож тўловлари. Демпинг ва антидемпинг, экспорт ва импорт товар оқимларини квоталаш. Лицензиялаш. Ўзбекистонда ташки иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари. Ташки савдо сиёсатини фаоллаштириш йўллари. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашув механизmlари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларида иштирок этишини давлат томонидан тартибга солиши. Мамлакат иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлашда давлатнинг роли ва вазифалари. Давлатнинг ташки иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш йўллари.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг функциялари ва иқтисодий сиёсатининг мақсадлари.
2. Давлат иқтисодий сиёсати ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг назарий асослари.
3. Ўзбекистонда ислоҳотлар ва давлат иқтисодий сиёсатининг иқтисодиётни тартибга солиш механизмининг шаклланиши.
4. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш-иктисодиётни тартибга солиш воситаси.
5. Ижтимоий-иктисодий ривожланиши дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш.
6. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш.
7. Бозор иқтисодиётида нархнинг регуляторлик вазифаси ва давлатнинг нарх ҳамда инфляцияга қарши сиёсатлари.
8. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг бюджет-солиқ сиёсати воситалари.
9. Иқтисодиётни тартибга солища давлатнинг пул-кредит сиёсати воситалари.
10. Давлатнинг таркибий-инвестицияви сиёсати.
11. Давлатнинг аграр сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.
12. Давлатнинг иқтисодиётда хусусий тармоқ ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш сиёсати.
13. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва худудлар ривожланишининг истиқболлари.

14. Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиши ва экология соҳасидаги сиёсати.

15. Давлатнинг ташкил иктисодий фаолиятни тартибга солиш сиёсати.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўкув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўкув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустакил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустакил таълимнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўкув ишларини мустакил равишда бажариш учун билим ва кўнижмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустакил ишини ташкил этишда қуидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида мустакил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда кўллаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўкув-илмий тадқикот ишларини бажариш билан боғлик бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чукур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўкув лойихаларини мустакил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиши услубидан фойдаланиладиган ўкув машгулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва х.к.

Мустакил иши ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустакил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

### **Тавсия этилаётган мустакил ишларнинг мавзулари**

1. Ўзбекистонда давлат иктисодий сиёсатининг мақсадлари, принциплари ва асосий ўйналишлари

2. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини прогнозлаштириш ва максадли дастурлашнинг механизми

3. Давлатнинг солик-бюджет сиёсати воситаларининг иктисодиётни тартибга солишдаги роли

4. Давлатнинг монетар сиёсати воситаларининг иктисодиётни тартибга солишдаги роли
5. Давлатнинг ракобат сиёсати ва мамлакатда ракобат мухитини шакллантириш йўллари
6. Давлатнинг аграр сиёсати ва кишлек хўжалигидаги ислоҳотлар
7. Давлатнинг мингақавий сиёсати ва худудлар ривожланиши дараҷаларидағи фарқларни камайтириш йўллари
10. Давлатнинг экологик назорат воситалари ва усувлари
11. Жаҳон молиявий-иктиносий инқирози ҳамон давом этаётган шароитда давлатнинг фаол экспорт сиёсатиниамалга ошириш механизми
12. Корхоналарнинг ташки бозорга чиқишиларини давлат томонидан кўллаб-куватлаш механизмини такомиллаштириш йўллари

### **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий илғор интерфаолусулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мультимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машгулотларда аклий хужум, кластер, блиц-сўров, гурӯҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Абулқасимов Ҳ.П. Макроиктиносий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг баркарор ривожланиши.- Т.:Akademiya, 2011.-186 бет.
2. Абулқасимов Ҳ.П. Иктиносий тартибга солишнинг бозор ва давлат механизmlари.-Т.:Akademiya,2012.- 455 бет
3. Abulkasimov H., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.-T.: “Iqtisod-moliya”, 2014. - 304bet

#### **Кўшимча адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктиносий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Бекмуродов А., Болтабоев М., Фойибназаров Б., Амонбоев М., Тошхўжаев М. Ўзбекистон иктиносий тартибга солишнинг бозор ва давлат механизmlари. – Т.: ТДИУ, 2005. – 60 б.
3. Шодмонов Ш.Ш.,Faфуров У.В. Иктиносий назарияси (дарслик). – Т., «Фан ва технология», 2010. – 784 б.
4. Государственное регулирование рыночной экономики. Авторский коллектив под. рук. проф. В. И. Кушлина. М. Экономика, 2000 г.

5. Гришюк Т. “Государственное регулирование экономике” 2005г.
6. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати.-Т.: Академнашр, 2011.
7. Шахмалов Ф. Государство и экономика: основы взаимодействия. - Москва: Экономика, 2000.

#### **Интернет сайтлари.**

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
2. [www.aza.uz](http://www.aza.uz)
3. [www.ceep.uz](http://www.ceep.uz)
4. [www.internetindicators.com](http://www.internetindicators.com)
5. [www.economyworld.org](http://www.economyworld.org)